

Ўзбекистон Республикаси  
Монополияга қарши курашиш  
қўмитасининг 2020 йил 6 августдаги  
631/02-11-сонли хатига илова

## **Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш бўйича ХУЛОСА №32**

### **I. Умумий маълумотлар**

Хулоса Адлия вазирлигига 2019 йил 19 апрелда 3155-сон билан рўйхатга олинган Қонун хужжатларининг рақобатга таъсирини баҳолаш методикаси асосида тайёрланди.

#### **1. Лойиҳани тақдим этувчи орган номи:**

Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси

#### **2. Лойиҳанинг номи ва тури:**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 15 майдаги 280-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарор лойиҳаси

#### **3. Лойиҳани ишлаб чиқиши учун асос:**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республикада қўлда тўқилган гиламчилик соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 26 июндаги ПҚ-4759-сон қарори 15-банди иккинчи хатбоши

#### **4. Лойиҳанинг қисқача мазмуни:**

“Чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга улар томонидан қўлда гилам тўқишига ихтисослашган ҳунармандлар ва ташкилотларга сотилган “меринос” зотли қўй ва “ангор” зотли эчкиларнинг жуни учун субсидия ажратиш тартиби тўғрисидаги низом киритилмоқда

### **II. Тадбиркорлик субъектларининг асосий гуруҳлари бошқа масъул шахслар ҳамда таклиф этилаётган хужжатда давлат органларининг манфаатларига доир масалалар тартибга солинадиган маълумотлар**

#### **5. Хужжат билан манфаатлари назарда тутилаётган гуруҳ иштирокчиларининг таснифи:**

**тадбиркорлик субъектлари гуруҳлари** – чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлар, жун етиштириш билан шуғулланувчи хўжалик юритувчи субъектлар, гилам тўқиши билан шуғулланаётган ҳунармандлар ва ташкилотлар;

**давлат органлари гурухи** – Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси, Ўзбекчорванасл” агентлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси

Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳамда шаҳар ва туманлар ҳокимликлари, туман/шаҳарлар Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси, давлат солиқ инспекцияси, қишлоқ хўжалиги бўлими, статистика бўлими, Вазирлар Маҳкамаси;

**бошқа иштирокчилар гурӯҳи муносабатлари** – Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгаши.

**6. Янги ёки амалдаги функцияларга киритилаётган ўзгартиришлар, ваколатлар, мажбуриятлар, имтиёзлар, преференциялар, давлат органлари хуқуқлари ва уларни амалга ошириш тартиби тўғрисида, шунингдек, киритилаётган чекловлар бўйича ҳамда бошқа маълумотлар:**

**6.1.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга соловчи норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 15 майдаги 280-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарор лойиҳасининг иловасида мазкур қарорнинг амалдаги 1-банди саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилмоқда:

**“Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликлари томонидан 2020 йилда паррандаларнинг ота-она галасини шакллантириш учун импорт қилинадиган бир кунлик наслдор жўжалар бош сони прогноз кўрсаткичлари 8-иловага мувофиқ тасдиқлансан.”**

### **III. Рақобатга таъсирнинг таҳлили**

#### **7. Хужжатни қабул қилинишининг оқибатлари прогнози**

**7.1.** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга соловчи норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида” 2020 йил 15 майдаги 280-сон қарорига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарор лойиҳасининг иловасида мазкур қарорнинг амалдаги 1-бандининг саккизинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилмоқда:

**“Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган** паррандачилик хўжаликлари томонидан 2020 йилда паррандаларнинг ота-она галасини шакллантириш учун импорт қилинадиган бир кунлик наслдор жўжалар бош сони прогноз кўрсаткичлари 8-иловага мувофиқ тасдиқлансан.”

Ўз навбатида, **“Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган** паррандачилик хўжаликларига **яратиб берилаётган қулайликлар ва преференциялар** уларнинг мазкур уюшмага аъзо бўлмаган паррандачилик билан шуғулланувчи хўжаликларига нисбатан афзал ҳолатга эга бўлишига ҳамда бундай қулайликлар ва преференцияларга эга бўлиш учун ушбу уюшмага мажбурий тартибда аъзо бўлиш ҳолатига олиб келади.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг **“Рақобат тўғрисида”**ги **Қонунининг 12-моддасига** асосан давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг айrim хўжалик юритувчи субъектларга уларни товар ёки молия бозорида фаолият кўрсатаётган бошқа хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан афзал ҳолатга қўядиган имтиёзлар, преференциялар ва енгилликларни асоссиз равишда бериши, айrim хўжалик юритувчи субъектларнинг

фаолияти учун бошқа камситувчи ёки имтиёзли шартлар (шароитлар) **белгилаши тақиқланган**.

Шунга кўра, бир кунлик наслдор жўжаларни импорт қиласиган **барча паррандачилик хўжаликларга** тенг шарт-шароит ҳамда соғлом рақобат мухитини яратиш мақсадида мазкур хатбошисидан “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган” сўzlари чиқарип ташлаш лозим.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақобат мухитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2020 йил 6 июлдаги ПФ-6019-сон Фармонига асосан Монополияга қарши курашиш қўмитаси имтиёзлар, преференциялар ва фаолиятни амалга ошириш учун эксклюзив хуқуqlар шаклида кўрсатилаётган давлат қўмагининг самарадорлиги устидан давлат назоратини амалга ошириш ҳамда улар рақобат мухитига салбий таъсир этган тақдирда, уларни бекор қилиш буйича Ўзбекистон Республикаси Президентига муентазам равишда таклифлар белгиланган.

#### IV. ХУЛОСА

Юқоридагилардан келиб чиқиб, барча паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига тенг шарт-шароитлар, имкониятлар ва рақобат мухитини яратиш мақсадида мазкур қарор лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Чорвачилик тармоғига давлат томонидан субсидия ажратишни тартибга солувчи норматив-хуқуқий хужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги 2020 йил 15 майдаги 280-сон қароридан ва у билан тасдиқланган Низомларидан ҳамда Низомларнинг иловаларидан “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган” ҳамда “Ўзбалиқсаноат” уюшмасига аъзо бўлган” сўzlарни чиқарип ташлаш юзасидан тегишли ўзгартиришлар киритилишини назарда тутувчи бандлар киритгандан сўнг қайта ишланган қарор лойиҳаси қабул қилиниши **мақсадга мувофиқ хисобланади**.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси “Рақобат тўғрисида”ги Қонуни талабларига риоя қилган ҳолда паррандачилик ва балиқчилик хўжаликларига тенг рақобат мухитини яратиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чорвачилик тармоғини давлат томонидан кўллаб-куватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» 2020 йил 29 январдаги ПҚ-4576-сон қарорига тегишли ўзгартириш киритиш масаласини кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқ хисобланади.